

XVIII-XX АСРЛАР БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК САНЪАТИНИ БАДИИЙ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Шукурова Лобар Шербаевна,

Фарғона давлат университети

“Тасвирий санъат” Кафедрасининг ўқитувчиси,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (phd)

E-mail: lobar.shukurova.87@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ўлкамиз заминидаги тарихий қатламларни қазилар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериши усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланган бўлиб, асрлар оша ҳозиргача узлуксиз давом этиб келмоқда. Бундай фаолият натижасида келиб чиқадиган эстетик-бадиий идрок қобилияти кишиларда оламни, нарса ва ҳодисаларни, атроф-муҳитдаги шакллар ва ранглارни турфа шакл-шамолда қайтадан акс эттиришига ҳавас уйғотади. Шакл ва ранглارнинг стиллаштирилган тасвирларини яратиш шу тариқа келиб чиқиб, ўз навбатида одамларнинг кундалик турмушларидан ўрин ола бошлади. Натижада бадиий безакларнинг хилма-хил шакллари ва турлари пайдо бўлди. Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё халқларининг бизга етиб келган санъат асарлари орасида нақиллар асосида яратилган бадиий асарлар алоҳида кўп сонни ташкил этади. Амалий санъатга чуқур, фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, стиллаштириш, рамзийликка асосланган бадиий безак асарлари яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ўзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бўлганки, ҳозирда жаҳонга машҳур меъморчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, наққошлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик ва бошқа турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйғунлашган мажмуасидан иборатдир.

***Калит сўзлар:** Зардўзлик, амалий санъат, зар ип, мато, зарбоф кийимлар, тагалак, чор мадохил, гулдўзи-заминдўзи, дарҳам, қўшбодом, зардўзи-гулдўзи, гули қалъаги, қўчқор шохи.*

КИРИШ

Зардўзлик санъати узоқ тарихга эга бўлиб, унинг Кичик Шарқдан Рим империясига кириб келгани ҳақида милоддан аввалги I асрда яшаб ўтган қадимги грек тарихчиси Галикарнастик Дионисийнинг “Қадимий Рим”

(Римские древности) асарида Қадимги Римнинг 616-579 йиллардаги бешинчи қироли Луций Таквиний Приск (ёки Қадимги Таквиний) тилла ип билан жилоланган кийим кийгани ҳақида ёзган. Милодий I асрда яшаган қадимги Рим тарихчиси Катта Плинийнинг энциклопедик асарлари орқали ҳам зардўз кийимлар Кичик Шарқдан Рим империясига кириб келгани маълум. Антик давр тарихчиси Страбоннинг ёзишича, Осиё халқлари хашамати билан дастлаб Александр Македонский қўшинлари танишганлар. Греklar зардўз кийимлар, уларга қадалган дуру-жавоҳирлар ва кашта билан безатилган ҳарир матоларни илк бор кўриб хайратда қолганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Марказий Осиёда ҳам зардўзликнинг ўша даврларда мавжудлиги 1947 йилда Тошкент вилояти Вревский посёлкаси (ҳозирда Чиноз туманидаги Олмазор шаҳарчаси) ҳудудида I-II асрларга мансуб археологик топилма – зарбоф кийим билан дафн этилган аёл қабри топилгани билан тасдиқланган¹.

Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистон сафарномаси асарида 1442 йили Шохруҳ замонида Шимолий Ҳиндистон билан Ҳирот ўртасида турган элчиларнинг совғалари орасида зарбоф кийимлар борлигини айтиб ўтган. 1465 йили Ашратхона мақбараси ҳақидаги ҳужжатларда зарбоф кийимлар ҳақида баён этиб ўтган. Ҳиротда яшаб ижод этган Васфий ўзининг рисолаларида зарбоф кийимлар ва зардўзлик касби тўғрисида баён этган.

Хусусан, Бизни қизиқтираётган давр Бухоро зардўзлигига тўхталсак, тадқиқотчилар “XIX асрда шаҳар Бухоро амирлигининг пойтахти эди. Бухоро амирлиги даврида ажойиб шаҳарда минглаб қўли гул усталар ишлаганлар. Бухоро шаҳрида икки юздан ортиқ маҳалла ва гузарлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида турли касб намоёндалари истиқомат қилишган. Шаҳар аҳолисининг 25 фоизини ҳунармандлар ташкил қилган. Амир саройида 400 га яқин моҳир усталар, халқ амалий санъати намоёндалари: ажойиб тўқувчилар, зардўзлар, мисгарлар, кандакорлар, кулоллар, заргарлар, хаттотлар, гиламбофлар, ўймакорлар, наққошлар ва каштадўзлар ишлаганлар. Бу борада Бухоро асрлар бўйи ҳунармандларнинг машаққатли меҳнати натижасида, халқ санъатининг ҳар бир тури юксак профессионаликка эришган” дея таъкидлайдилар².

Ҳозирда зардўзлик анъанавий тарзда аёлларга хос санъат эканлиги ҳақида тушунча мавжуд. Аммо, амирлик даврида моҳир зардўзлар асосан айнан эркак

¹Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. Текстиль. – Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1954. – С. 179.

²Жумаев Қ.Ж. XIX аср охири - XX аср ошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати: санъатшунослик фан. ном. ... дисс. - Тошкент. 2003. - Б.4.

кишилар бўлган. Хусусан, уста зардўз Н.Аминов отаси амир Абдулахадхон саройида зардўзлик қилган Аминжон Мажидовнинг хотираларига асосланиб ёзишча, амир саройида ушбу касбни мукамал эгаллаган 300 нафар зардўз фаолият юритган³. Ушбу амир устахонаси Бухоро зардўзлигининг умумий маркази бўлиб, албатта, биринчи галда амир ва унинг оиласи эҳтиёжи, амир томонидан тортиқ қилинувчи совғалар ҳамда оз миқдорда бўлсада бозорга ҳам чиқарилган⁴.

НАТИЖАЛАР

Юқорида қайд қилинган сабабларга кўра, ҳозирда юртимизнинг музейларининг зардўзликка оид эспонатларининг асосий қисмини XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида тикилган манғитлар сулоласи даврига оид зардўзи кийимлар ташкил қилади.

Зардўзлик нақшлари зардўзлар тилида гул ва барг нақшлари ўзининг алоҳида номларига эга. Масалан, “гули чорбарг” (тўрт япроқли гул), “гули шишбарг” (олти япроқли гул), “гули ҳаштбарг” (саккиз япроқли гул), “лолагул” ва ҳоказолар. Япроғи саккизтадан ортиқ бўлган гуллар “гули садбарг” - юз япроқли гул ёки “гули кошғарий” - қашқаргул деб аталган. Кенг ҳажмдаги гуллар “гули косагул” ёки “гули қалъаги” дейилган. Барг тури ва сонига қараб: “яккабарг” - дона-дона япроқлар, “дубарг” - жуфт япроқ, “себарг” - учталиқ япроқлар, “барги мажнунбед” - мажнунтол япроғи, “барги шуллукий” – зулуксимон япроқ ва ҳоказолар. “Кўчқор шохи” шаклини эслатувчи “тағалак” усули ҳам кенг қўлланилиб, ундан кашталарнинг орасидаги бўш қолган тағзаминни тўлдиришда фойдаланилган.

Кўплаб геометрик кўринишдаги нақшлар ҳам даставвал ислимий асосга эга бўлган. Хусусан, тўрт баргли япроқгул нақши кунгирадор пештоқни эслатувчи “чор мадохил” (тўрт дарвоза, “мадохил” арабча - кириш дегани), бир япроқгул нақши иккинчисига устма-уст туширилгани “чор мадохили дурун ба берун” дейилган⁵.

Бухоро зардўзлик санъати XIX аср ўрталаридан қайта такланиб, ушбу аср охирларида анча юксалган. Хусусан, XIX аср ўрталарида усталар заррин нақшлар билан фон орасидаги мутаносибликка эътибор беришган бўлишса, аср охирларига келиб безак хашамлиги устивор бўла бошлаган⁶.

³Аминов Н. Биз зардўзлармиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1981.– Б. 6.

⁴Аминов Н. Биз зардўзлармиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1981.– Б. 7.

⁵Гончарова П.А. Золотошвейное искусство Бухары. - Ташкент: Издательство литературы и искусство имени Гафур Гуляма, 1986.- С. 38.

⁶Ахмедов Э.Я. XIX аср иккинчи ярми – XX аср Бухоро тасвирий санъати шаклланиши ва ривожиди анъанавий маданиятнинг аҳамияти: санъатшунослик фанлари номзоди дисс. ... –Тошкент, 1993. – Б. 64.

МУҲОКАМА

Хусусан, ҳозирда Бухоро Давлат Музей Қўриқхонасида сақланаётган, XIX аср ўрталарида тикилган бинафшаранг духобали этикнинг юқори қисми оқ бахмал, астари адрасдан бўлиб, “гулдўзи-заминдўзи” усуллар қўлланилган. “Гулдондан ўсиб чиққан” мураккаб ислимий композицияга “дарҳам” ва “бодоми шохнок” нақши туширилган. Замини “тагалак” усулида, бодом нақшлар эса “мавжи чашми булбули шиштаи” ва “шош холи якмавжа”

кашта турлари билан бежирим тўлдирилган.

Кулутапўшак – соч ўримларини қоплаб турадиган узун думга ўхшаш ғилофли бош кийими бўлиб, уни ёши катта аёллар кийганлар. Ғилофнинг тагидаги икки-уч жойига қадалган тугмалар сочларни ёйилиб кетишидан сақлаб турган. Бухоро Давлат Музей Қўриқхонаси фондидаги XIX аср охирига мансуб яшил духобали кулутапўшак “зардўзи-гулдўзи” усулида кашталаниб, чўққисида “чоргул” нақши, ғилофдаги “бутагул” каштасида “қўшбодом” нақшлари бор. Чеккаларидаги хошия йўли “кандори чор бахягий” каштасида, “гулдон” ва “бодом” нақшлари эса “мавжичашми булбул шиштаи”, “мавжи чор дар чор” кашта усулларида тўлдирилган. Гардиш чеккаларига ипак ипдан жияк тикилган.

ХУЛОСА

Зардўзлик Бухорода тахминан XIX аср ўрталаридан 1920 йилгача расмий жиҳатдан сарой санъати ҳисобланган. Шаҳарда тайёрланадиган зардўз буюмларнинг деярли аксариятига буюртмачи бўлган амирлик саройи йўқолгач, Совет ҳукумати ўрнатилиши ҳамда аҳолининг бадавлат қатлами қатағон қилиниши оқибатида зардўз буюмларга талаб кескин пасайиши зардўзлик устахоналари ёпилишига сабаб бўлган. Ўз навбатида, зардўз усталар тирикчилик қилиш мақсадида хунармандчилик артелларига бирлашиб, асосан майда буюмлар тайёрлашга киришишган.

Бухоронинг ушбу “шоҳона” касб эгалари учун қийин давр юзага келишига қарамасдан, баъзи зардўз усталар касбига содиқ қолган ҳолда ўз билим ва тажрибаларини ота-мерос хунар сифатида фарзандларига ўргатиб келишган. Аммо, қисқа вақт ичида зардўзлик санъати ҳам Совет ҳукумати назарига тушиб, ушбу хунарнинг моҳир усталарига яна талаб кучайган.

Давлатимиз томонидан берилаётган эътибор сабаб, ҳозирги кунда зардўзлик янада гуллаб яшнаган санъат соҳаларидан бирига айланмоқда. Амирлик даври зардўзлиги услублари сақланиб қолган ҳолда, замон талаби билан уйғунлашиб, ўз ривожланишида давом этмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

1. Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. Текстиль. – Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1954. –179 с.
2. Жумаев Қ.Ж. XIX аср охири - XX аср оошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъатн: санъатшунослик фан. ном. ... дисс. - Тошкент. 2003. – 155 б.
3. Аминов Н. Биз зардўзлармиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 1981.– 55 б.
4. Русский биографический словарь: Изд. под наблюдением председателя Императорского Русского Исторического Общества А.А.Половцова. - Санкт-Петербург: тип. И.Н.Скороходова, 1902. - Т.13. С.112-113.
5. Қиличев Р.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми -XX аср бошида Бухоро шаҳрида хунармандчилик: Тарих фанлари номзоди дисс. ... Тошкент, 1997. – 185 б.
6. Гончарова П.А. Золотошвейное искусство Бухары. – Ташкент: Издательство литературы и искусство имени Гафур Гуляма, 1986. – 112 с.
7. Аҳмедов Э.Я. XIX аср иккинчи ярми – XX аср Бухоро тасвирий санъати шаклланиши ва ривожиди анъанавий маданиятнинг аҳамияти: санъатшунослик фанлари номзоди дисс. ... – Тошкент, 1993. – 225 б
8. Бўроновнинг Б.О. XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Бухоро тураржой меъморлигида нақш санъати: Санъатшунослик фанлари номзоди дисс. ... – Тошкент, 2007. – 141 б.
9. Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари XIX- XX асрлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 2006. – 192 б.
10. Турсунов С.Н. Ўзбекистон жанубий худудларида маданий ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи. – Термиз: Сурхон-нашр, 2017. – 288 б.
11. Shukurova, L. (2023). SPECIAL ASPECTS OF APPLIED ART IN THE ARCHITECTURE OF THE BUKHARA EMIRATE OF THE XVIII-XIX CENTURIES. *Science and innovation*, 2(C12), 19-23.
12. Sherbayevna, S. L. (2020). Bukhara Applied Art In Middle Of XVIII-Early XX Century, During The Mangit Dynasty. *The American Journal of Applied sciences*, 2(12), 156-159.
13. Sulaymanova, S. (2023). IMPORTANCE OF THE PATCHWORK NEEDLEWORK IN STUDY WHICH HAS GIVEN A BIRTH TO APPLIED ARTS, BASED MUCH ON ANCIENT OLD-TIME TRADITION. *Science and innovation*, 2(C4), 9-12.
14. Ozodbek, S., Muhammadjon, O. R., & Sevaraxon, S. (2022). MARKAZIY OSIYO XALQLARI TASVIRIY SAN'AT TARIXINING FANDAGI O'RNI. *Research Focus*, 1(2), 259-263.

15. Zulfiya, B., & Raxmonali, S. (2022). SAN'ATNING IJTIMOYIY HAYOTNING MURAKKAB MUNOSABATLARI BILAN ALOQADORLIGI. *Research Focus*, 1(2), 296-300.
16. Sohibov, R. (2022). KOMPOZITSIYANING NAZARIY ASOSLARI. KOMPOZITSIYA HAQIDA UMUMIY TUSHUNCHALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 256-259.
17. Nazokat, A., & Abdusalom, M. (2022). THE NATIONAL HANDICRAFTS OF BUKHARA. *Research Focus*, 1(2), 307-312.
18. Yunusaliyev, M. (2023). GOALS AND OBJECTIVES OF REALISTIC PAINTING. *Science and innovation*, 2(C12), 31-36.
19. Mamurov, A. (2023). CREATIVE TRADITIONS OF UZBEK NATIONAL POTTERY. *Science and innovation*, 2(C4), 5-8.
20. Yuldashev, I. (2023). DEVELOPMENT OF PICTORIAL ART AND MINIATURE ART IN CENTRAL ASIA AND THEIR ROLE IN SOCIAL LIFE. *Science and innovation*, 2(C4), 13-18.